*• Иқтисодиёт чорраҳаларида*

# ҲАМЁНИ ДОЛЛАРГА ТЎЛАЁТГАН КОРХОНА

**Узоқ йиллар биз ўзимизда ишлаб чиқарилган мебелларга паст назар билан қараб, кўпроқ чет элнинг шундай маҳсулотлари ортидан қувганимиз сир эмас. Энди бунга ҳожат қолмади. Чунки Тошкент мебель ишлаб чиқариш корхонасида кўркамлиги, бежиримлилиги жиҳатидан жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера оладиган меҳмонхона, ётоқхона, ишхона жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилди.**







Тўрабек Назаровнинг ушбу корхона бош директори этиб тайинланганига бор-йўғи икки йил бўлди. Энг муҳими — у жамоага бегона эмас: қўл остида меҳнат қилаётганларнинг барчаси собиқ ҳамкасбларидир. Чунки Тўрабек бу ерда кўп эмас, оз эмас, 20 йил ишлаган, оддий ишчидан цех бошлиғи даражасига кўтарилган. Кейин... меҳнат аҳли уни ўзларига раҳбар этиб сайлашди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўз маҳсулотларини четга экспорт қилмаган корхонанинг келажаги йўқ. Буни яхши тушунган Т. Назаров ишни дастлаб цехларни янгилашдан бошлади. Хусусан, иккита цехга Германия ва Болгариядан келтирилган дастгоҳлар ўрнатилди. Бу ерда экспорт-импорт учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш мўлжаллanганди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Уларнинг харидоргирлиги сабаб ўтган йилнинг ўзидаёқ корхона ҳамёнига 16 минг доллар келтирди. Фойда эса қолган цехларнинг тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлаш учун хомашё келтиришга сарфланди. Бунинг самараси ўлароқ, бултур 16 минг комплект уй-жой ва кабинет жиҳозлари, юмшоқ мебеллар, ётоқхона гарнитурлари таёрланди. Агар корхонага асосий хомашё Россиянинг Пермь, Екатеринбург, Ростов, Красноярск шаҳарларидан мебель, кўрпа жилдлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига айирбошлаш ҳисобига келтирилиши назарда тутилса, бу кўрсаткичнинг салмоғи аён бўлади-қўяди.

Янги йил арафасида ушбу корхона ёпиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантирилиб, Низом жамғармаси 500 минг сўм қилиб белгиланди. Акцияларнинг 51 фоизи жамоаники, қолган қисми эса давлатникидир. Бу тадбирдан меҳнат аҳлининг умиди катта. Шу боис маъмурият келгусида сифатлироқ мебеллар тайёрлаш мақсадида Болгариянинг Варна шаҳридаги мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома тузиш юзасидан ишлар олиб бораяпти.

Айни кунларда корхонада 1000 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Унинг етмиш фоизи 20-30 йиллик бой тажрибага эга бўлган малакали ишчи-хизматчилардир. Ана шу катта бойликни сақлаб қолиш учун, гарчи қийинчиликлар бўлса-да, ўтган вақт мобайнида ишчи-хизматчиларнинг ўрни қисқарилишига йўл қўйилмади, мавжуд имкониятлар ишга солинди. Қўшимча ишчи ўринлари ташкил қилиш мақсадида корхонанинг ўзида биратўла 60 киши ишлайдиган ип йигирув ва тикувчилик цехлари ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур цеҳларда турли хил кийим-кечаклар, мебель қопламалари тайёрланмоқда.

— Ҳаёт тўғри йўлдан бораётганимизни кўрсатди, — дейди биз билан суҳбат чоғида корхона бош муҳандиси Тагир Исҳакович. — Чунки сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш нафақат замонавий технология, балки малакали ишчиларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бугунги кунда 2-цех бригадири Аҳрор Ғуломов, замзамаловчи Ҳамидулла Солиҳов, қолипловчилар Раҳимжон Ёдгоров, Нурилло Файзуллаев, Арофат Жўраева, Гулнора Воронина каби ўз ишининг усталари ишлаб чиқариш суръатига-суръат қўшибгина қолмасдан, ёшларни ҳам ўзларидек меҳнат қилишга даъват этмоқдалар.

Корхонада ҳар бир ишчи-хизматчи меҳнатига яраша ҳақ олмоқда: Ўртача ойлик маош 700-1000 сўмни ташкил этаётир. Уларни ижтимоий ҳимоялаш ҳам яхши йўлга қўйилган: ҳар икки ойда гуруч, ёғ, гўшт каби энг зарур маҳсулотлар текинга тарқатилади. Ўғил уйлантирмоқчи ёки қиз чиқармоқчи бўлганларга эса тайёр мебеллар 50 фоиз арзонлаштирилган нархда сотилади. Шунингдек, бу ердаги дўкондан турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш мумкин. Меҳнат таътилига чиққанлар ва саломатлигини тикламоқчи бўлган ишчи-хизматчилар учун эса дам олиш масканларига йўлланмалар ҳамиша топилади.

...Корхонага кираверишдаги майдонда қад ростлаган фирма дўкони диққатимизни тортди-ю, ичкарига кирдик. Бу ерда бежирим, кўзни қамаштирувчи, хорижникидан асло қолишмайдиган мебелларнинг истаган турини танлаб олишингиз мумкин. Фақат нархи чақади: уни ҳамма ҳам харид қилолмайди.



— Халқимизга арзон ва кўркам мебеллар кераклигини биз ҳам тушунамиз, — дейди корхона бош директори Тўрабек Назаров, гўё хаёлимиздан кечган фикрни уққандек. — Бироқ ҳозирча бунинг иложи йўқ. Сабаби — хомашё асосан четдан келтирилмоқда. Устига устак, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг аксарият қисми хомашё учун мол айирбошлашга сарфланаяпти. Қолаверса, доимий ҳамкорларимиз — россиялик ҳамкасбларимизнинг ҳам «иштаҳаси» тобора карнай бўлиб бораётир. Эндиликда улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қаноатланмай, ҳатто пахта толасини талаб қилаяпти. Ҳукуматимизга раҳмат, яқинда корхонамизга 2000 тонна тола ажратиб берди.

— Наҳотки, хомашёни мамлакатимизнинг ўзида етиштиришнинг иложи бўлмаса? Ахир, уни четдан келтиришга чек қўйишнинг пайти келди, шекилли...

— Бунинг учун жумҳуриятимизда барча имкониятлар етарли, — директор бироз ўйланиб қолди-ю, кейин сўзида давом этди. — Биласизми, агар корхонамизга яқинроқ манзилдаги қолоқ, ўзини оқлай олмаётган жамоа хўжаликларидан биронтаси бизга бириктириб қўйилса, шартномага мувофиқ, уни ўз оталиғимизга олардик. У ердаги ишчиларни иш билан таъминлаш ва бу хўжаликка техника воситалари олиб беришга кўмаклашган бўлардик. Ёки фойдаланилмаётган ерлардан 100 гектар ер ажратиб берилса, ўз кучимиз билан (бундай омиллар бизда етарли) ўша майдонни ўзлаштириб, тез ўсувчан Колифорния терагидан экиб ташлаган бўлардик. Қарабсизки, олдимизда турган энг катта муаммо тез орада ўз ечимини топарди.

Бу — ҳозирча орзу. Аммо меҳнат аҳлининг эртанги кунга ишончи мустаҳкам. Шу боис улар корхона довруғини нафақат республикага, балки хорижга ҳам ёйиш, мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишдек улкан мақсад йўлида астойдил ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ — ДЕҲҚОН МАДАДКОРИ

**Табиий офатдан зарар кўрган хўжаликларга бугунги кунда давлат суғуртаси идоралари қандай кўмак бермоқда? Деҳқон билан суғурта ходимининг муносабатлари қай аҳволда? Ўзбекистон Республикаси Давлат суғурта Бош бошқармаси қишлоқ хўжалик муассасаларини суғурта қилиш бошқармасининг бошлиғи Раҳмат ҲИКМАТОВ билан махсус мухбиримизнинг мусоҳабасида шулар хусусида сўз боради.**

— Ҳукуматимиз қишлоқ хўжалик корхоналарининг мажбурий давлат суғуртаси ҳақида қарор қабул қилганига бир йил бўлди,— деди Раҳмат Ҳикматович.— Ўзингизга маълум, Ўзбекистон деҳқончилиги табиий иқлим шароитига кўра, хавфли минтақада жойлашган. Чунки мамлакатимизда тез-тез қурғоқчилик, совуқнинг эрта тушиши ёки баҳор ойларида узлуксиз ёмғир ёғиши, ҳароратнинг кескин пасайиб кетиши, ёзда эса гармсел шамоллари, сел ёки зилзилалар ва бошқа бир қатор табиий офатлар рўй бериб туради. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мажбурий давлат суғуртаси шу каби ҳодисалар оқибатида уларнинг мулки зарарланса ёки экинлардан кам ҳосил олинса, кўрилган зарар ўрнини қоплаб бериш кафолатини олади.

Суғуртанинг бу тури қишлоқ аҳлига қанчалик фойдали эканлигини сўнгги уч йил таҳлили яққол кўрсатиб турибди. Агар шу давр мобайнида қишлоқ хўжалик корхоналари давлат суғурта ташкилотларига 2.450 миллион сўм суғурта тўлови тўлашган бўлса, улар ана шу муддатда бизнинг идораларимиздан 4042.2 миллион сўм суғурта қопламаси олишди. Яъни деҳқонларга биз ортиқча 1591,8 миллион сўм бердик.

Ёки бошқа бир мисол. 1993 йил дала меҳнаткашлари учун жуда оғир келгани маълум. Агар шу йил суғурта ташкилотларимиз ҳисобига қишлоқ хўжалик муассасаларидан 21,2 миллион сўм суғурта тўлови тушган бўлса, якунда уларга 35,4 миллион сўм суғурта қопламаси тўладик. Бошқача айтганда, табиий офатдан зарар кўрган хўжаликларга қўшимча 14,2 миллион сўм беришимизга тўғри келди. Масалан, Сирдарё вилоят деҳқонлари 1,7 миллион сўм суғурта тўлови ҳисобига 8,5 миллион сўм суғурта қопламаси олишди.

1993-1994 йиллар қишлови ҳам чорвадорларга енгил бўлмади. Кутилмаганда ҳарорат 30 даражагача пасайиб, яйловлардаги қор март ойининг ўрталаригача эримади. Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳудудига жойлашган Арнасой ҳавзасида эса сув сатҳининг кўтарилиб кетиши оқибатида юзлаб гектар яйловлар, чўпонларнинг уй-жойлари, қурилиш иншоотлари, қудуқлар шикастланди. Кўплаб қўй-қўзилар совуқ ва тошқин таъсиридан нобуд бўлди. Шундай оғир пайтда бизнинг ходимларимиз яна чорвадорларга ёрдам қўлини чўзди. 1993 йил давомида улардан 97 минг сўм суғурта олинган бўлса, 1,2 миллион сўм, яъни 12 баробардан кўпроқ суғурта тўлови қопламаси қайтарилди.

**— Баъзан «суғурта ташкилотлари суғурта қопламасини ўз вақтида тўламайди, тўласа ҳам кам пул беради» деган гапларни эшитиб қоламиз. Мутасадди шахс сифатида сиз бундай эътирозларга қандай қарайсиз?**

— Албатта, суғурта қопламасини тўлаш — бизнинг вазифамиз. Бироқ биз тегишли йўриқнома ва Низомлар асосида иш юритамиз. Дейлик, суғурта қопламаси йил охирида дастлаб бўнак (аванс) тариқасида, хўжаликларнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлангандан сўнг эса, узил-кесил тўланади. Буни айрим туман ва хўжаликларнинг раҳбарлари тушунмай, мавжуд қонун ва қоидаларда белгиланмаган суғурта қопламаларини талаб қилишади. Баъзан шундай ҳоллар ҳам учрайди. Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Ҳ. Ниёзматов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси А. Эргашев хизматимиздан қониқмаётганлигини билдириб, «Деҳқонларнинг ишдан безишига суғурта ташкилотлари айбдор», дея даъво қилди. Аслида далил буни инкор этади: 1991-1993 йилларда ушбу хўжалик бизга 1162,4 минг сўм суғурта тўлови тўлаган бўлса, шу давр мобайнида ушбу жамоага 7069,3 минг сўм суғурта қопламаси берилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

**— Раҳмат Ҳикматович, мана, 1994 йил ҳам якунланди. Қишлоқ хўжалик корхоналари бултур суғурта тўловини ўз вақтида тўлашдими?**

— Афсуски, йўқ. Ўтган йили улар бизга жами 260 миллион сўм суғурта тўлови тўлаши керак эди. Лекин тўлов муддати ўтиб кетганига қарамасдан, хўжаликлар атиги 103,2 миллион сўм ўтказишди. Бу режанинг 38,1 фоизини ташкил этади, холос. Суғурта ишларига бу қадар эътиборсизлик билан қараб келаётган хўжалик раҳбарлари, қарангки, худди аввалгидек, бизни суғурта қопламасини ўз вақтида бермасликда айблашмоқда. Уларга жавобимиз аниқ: ҳукуматимиз қарорига асосан, суғурта тўлови ўз вақтида тўланмаса, хўжаликдан белгиланган муддатдан кейин ўтган ҳар бир кун ҳисобига 0,05 фоиз жарима ундирилади. Бу эса хўжалик учун катта иқтисодий зарар эканлигини англаб етишларини истардик.

**— Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллари, жумладан, деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Суғурта тузилмаларининг улар билан муносабати ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Ҳукуматимизнинг махсус қарори асосида ҳиссадорлик жамиятлари, ширкат ва ижара хўжаликлари мажбурий давлат суғуртасига жалб қилинмоқда. Деҳқон (фермер) хўжаликлари эса ихтиёрий давлат суғуртаси бўйича жойлардаги бўлинмаларимиз билан шартномалар тузаётир. Шу кунгача 2,5 мингдан ортиқ деҳқон (фермер) хўжаликларидан қарийб 600 таси зарур ҳужжатларни имзолади.

**— Бу кўрсаткични талаб даражасида деб бўладими?**

— Йўқ, албатта. Бу борада ходимларимиз ҳали кўп иш қилиши керак. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари суғурта ташкилотлари, айниқса, ўз ишларини тубдан яхшилашлари лозим.

**— Ҳозирги кунда суғурта ташкилотлари олдида қандай вазифа ва муаммолар кўндаланг турибди?**

— Баъзи хўжаликларда ҳукм сураётган хўжасизлик, лоқайдлик каби иллатлар, оқибатида ердан, асосий воситалардан оқилона фойдаланилмаётир. Кўплаб майдонларга ҳатто уруғ қадалмаяпти. Айрим жойларда эса, етиштирилган ҳосил йиғиштириб олинмасдан, далаларда қолиб кетмоқда. Бу каби камчиликларни тугатиш мақсадида солиқ инспекциялари ва маъмурий органлар билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

Яна бир масала. Боғдорчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда ҳосил кўпинча тўла кирим қилинмайди. Яъни, мевалар ва узум жамоага эмас, балки айрим кишиларга фойда келтирмоқда. Бундай кўзбўямачиликлар ҳам бўлинмаларимизнинг маъмурий органлар билан биргаликда иш юритишини тақозо этмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг: боғдорчилик даромадли соҳа бўлса-ю, ўн йил мобайнида ундан деярли фойда олинмаётгани ғайритабиий эмасми? Биргина 1993 йилни олиб кўрайлик. Биз боғдорчилик хўжаликларига қўшимча 174,4 фоиз миқдорида суғурта қопламаси бердик. Токзорлардаги кўрилган зарар учун эса 276,3 фоиз тўлов тўланди. Ўтган йили ҳам, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бу соҳадаги зарар 200 фоиздан ошди.

Бу муаммони, албатта, бир ёки бир неча хўжалик миқёсида ҳал қилиб бўлмайди. Шу боис Бош бошқармамиз боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларини мажбурий давлат суғуртасидан чиқариб, уларни ихтиёрий суғуртага ўтказиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритмоқчи.

**— Боя сиз «Суғурта қопламаси йил охирида берилади»,— дедингиз. Айрим экинлардан, масалан, буғдойдан кўрилган зарар июнь-июль ойларидаёқ аниқ бўлиб қолади. Деҳқон суғурта қопламаси пулини олишни нега олти ой кутиши керак? Бу расмиятчилик эмасми?**

— Гапингизда жон бор. Биз ана шу хатони тузатиш мақсадида 1995 йилдан бошлаб табиий офатдан зарар кўрган хўжаликларга бошоқли дон ҳосили учун суғурта қопламасини июль-август ойларидаёқ тўлашга қарор қилдик. Бу тадбир кузги ғалла экишдан олдин хўжаликларни маблағ билан таъминлаш, мўл ҳосил етиштириш учун замин тайёрлаш имконини беради.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Тоҳир ДОЛИЕВ**
**суҳбатлашди.**

*• Жиноят жазосиз қолмайди*

# ҲАМТОВОҚЛАР

А. Оқйўлов Норининнинг Норинкапа қишлоғидан. 1985 йилда судланиб, тўрт йилга озодликдан маҳрум этилди. Жазо муддатини ўтаб қайтгач, яна жиноий ишга қўл урди. Уйчи туман суди уни бу гал тўрт йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Абдусаттор иккинчи маротаба қамоқ муддатини ўтаб қайтганида, қишлоғида кўча чангитиб юрган болалар йигит бўлиб қолган, янги туғилган чақалоқ эса саккиз ёшга кириб, ақлини таниб қолганди. Афсуски, Абдусатторга ақл кирмади. У ҳеч қаерда ишламай юрган, енгил-елпи ҳаёт кечиришга мойил Бахтиёр Жамолов билан тил бириктириб, яна қора ишларга қўл ура бошлади.

Дастлаб икки ҳамтовоқ қўшни Учқўрғон туманининг Ўлжатўпи қишлоғида яшовчи М. Иброҳимов ҳовлисида «ИЖ-7» мотоциклини ўғирлаб, Тожикистон Республикасининг Хўжанд туманига олиб бориб, сотиб юборди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, шу туманнинг Яшик қишлоғи фуқароси А. Назаровнинг «Ява» мотоциклини ҳам шу тарзда гумдон қилди. Кимдир ўлимлигимга деб йиғиб юрган буюмларини, шунингдек телевизор, гиламларни, хуллас бир неча миллион сўмлик нарсаларни ўғирлашди.

Бу икки ҳамтовоққа «кенг кўламда» фаолият кўрсатиши учун Учқўрғон тумани торлик қилиб қолди. Улар ўзларининг қора ниятларини Уйчи, Норин ҳамда Андижон вилоятининг Балиқчи туманларида ҳам амалга ошира бошладилар. Бу туманлардаги ўнлаб хонадонларга ўғирликка тушишди.

Ҳеч қаерда ишламайдиган ҳамқишлоғи Солижон Муродов Бахтиёрга бир танишида қўлда ясалган тўппонча ва пичоқ борлигини айтиб қолди. У мени ўша танишингникига олиб бор, деб туриб олди. Ва шу тариқа улар Наманган туманидаги Кумқўрғон қишлоғида яшовчи Рустам Абдуллаев хонадони қаршисида пайдо бўлишди. Бахтиёр Рустам билан савдолашиб, ундан 9 дона ўқ, тўппончаю пичоқни сотиб олди. Аммо у бу хафвли қуроллардан фойдалана олмай, қўлга тушди.

Норин туман суди Б. Жамолов ва А. Оқйўловнинг ҳар бирини 15 йилдан озодликдан маҳрум этиб, уларнинг мол-мулкини мусодара қилди. Шериклари ҳам қилмишига яраша жазо олдилар.

**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• Қилмиш-қидирмиш*

# МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

Олмалиқ шаҳридаги Навоий кўчасида жойлашган уйда истиқомат қилувчи кишининг шахсий гаражидан тўртта қўлбола тўппонча чиқди. Марҳамат туманида яшайдиган кишининг «ВАЗ-2103» машинасидан иккита қирқма милтиқ топилди. Тошкентдаги Беруний кўчасида жойлашган уйдан жанговар граната топилди ва мусодара қилинди... Қонунга хилоф равишда ўқотар қурол сақлаш ҳоллари юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Бу ҳолларнинг барчаси республика Ички ишлар вазирлиги ўтган йил охирида ўтказган кенг миқёсдаги «Арсенал» операцияси давомида аниқланди. Операциядан мақсад — қонунга хилоф равишда ёки қоидага риоя қилмасдан сақланаётган қурол, ўқдори ва портловчи моддаларни топиб, йўқотишдан иборат эди.

Ички ишлар органлари ўқотар қуроллар, ишлаб чиқариш учун зарур портловчи, кучли таъсир қиладиган заҳарли моддалар ва бошқа зарарли моддалар сақланадиган 1300 объектни текширувдан ўтказишди. Текширув давомида талабга жавоб бермайдиган 12 объект ёпиб қўйилди. Ташкилот ва шахслардан қонунга хилоф равишда сақланаётган 316 та ўқотар қурол, сақлаш ва фойдаланиш қоидаларига риоя қилинмагани учун 885 дона ов милтиғи тортиб олинди.

Қоидабузарларга қонунда кўрсатилган чоралар кўрилди, жамоалар ва ов милтиқлари эгалари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

**(ЎзА).**

**Ангрен картон-идиш комбинати**

аҳолидан 200-500 граммлик сиғимли (фойдаланилган, шампундан бўшаган) платмасса идишларини қабул қилади. Кундалик зарур эҳтиёжбоп моллар-кир совун, атир совун, сигаретлар, шампунлар, майонез ва бошқаларга алмаштирилади.

**Қабул пунктлари манзили.**

**Тошкент шаҳри бўйича:**

**Ҳамза туманида**
*39-сонли Шолохов кўчаси*
*52-сонли Мальков кўчаси*
*25-сонли Бирлашган кўчаси 37/2*
*60-сонли Лисунов кўчаси*

**Миробад туманида**
*73-сонли Фарғона йўли*
*24-сонли 2-Мирсолиҳов боши берк кўчаси, 19*
*49-сонли Подъёмник кўчаси,*
*71-сонли Кл. Цеткин кўчаси*
*8-сонли Октябрь кўчаси, 22*

**Чилонзор туманида**
*10-сонли 26 квартал, Макарон фабрикаси бекати.*

**Юнусобод туманида**
*11-сонли Малясов кўчаси, 37*
*12-сонли Малясов кўчаси*

**Оҳангарон шаҳрида**
*13-сонли м-н 14, 2-уй*
*14-сонли м-н 2, 14-уй*

**Олмалиқ шаҳрида**
*15-сонли Троллейбус бошқармаси*
*40-сонли Улуғбек кўчаси*
*28-сонли Горький кўчаси, 41*
*43-сонли 51-квартал*
*30-сонли Примқулов кўчаси*

**Ангрен шаҳрида**
*1-сонли Навоий кўчаси, 22*
*2-сонли 5\5 квартали, 14-уй*
*3-сонли Южная кўчаси, АКИК ётоқхонаси*
*9-сонли Карабау қурғони*
*10-сонли Облиқ қўрғони, Боғ кўчаси.*

*ТОШКЕНТ*
**"АЛГОРИТМ"**
*ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ*
***ТАВСИЯ ЭТАДИ:***

- ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ
- СОВУТГИЧЛАР
- ХУСУСИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР
- ЭЛЕКТРОҲИСОБЛАГИЧЛАР
- САБЗАВОТ-МЕВАЛАР ҚУРУТГИЧ МОСЛАМАЛАР
- УЙ-РЎЗГОР ИНКУБАТОРЛАРИ *(40 та тухумга мўлжалланган)*
- ЧОЙ ҚОШИҚЛАР
- ОСМА ТОКЧАЛАР
- ЭЛЕКТРОЁҚИЛГИЧЛАР
- ЭЛЕКТРКАБОБПИШИРГИЧЛАР
- МАКАРОН ИШЛАБ ЧИКАРИШ МОСЛАМАСИ

**Манзилимиз:**
***700117, Тошкент шаҳри, 6-проезд Ислом Усмонов кўчаси, 71.***
**Телефонлар:**
***74-84-37, 74-56-01, 74-48-71.***

# ХАТ ОРТИДА ИНСОН БОР

**1994 йил давомида «Халқ сўзи» газетаси редакцияси номига 3200 дан ошиқ мактуб, ариза ва шикоят келди. 315 та шикоят хати текшириш учун жойлардаги ўз мухбирларимиз ва тегишли ташкилот ҳамда идораларга жўнатилди. Газетада чоп этилган 475 та танқидий мақолага мутасадди ташкилотлардан текшириш натижалари маълум қилинган жавоб хатлари олинди.**

«Халқ сўзи» газетаси чоп этила бошлаган кундан буён бу даргоҳга юзлаб одамлар қадам ранжида қилди. Ҳаммасининг қалбида бир илинж: «Зора газета оғиримни, енгил қилса». Шу боис ҳам одамлар ташвиши газета аралашуви билан ижобий ҳал этилганда, шикоят йўллаган шахсдан кўра, биз журналистларнинг қувончи чексиз бўлади. Зеро, киши ҳожатини чиқариш, бир одамнинг оғирини енгил қилишдан-да каттароқ савоб йўқ.

Газетамиз тобора ўз ўқувчилари ишончини қозониб, ҳурмату эътиборига сазовор бўлиб бораётганлиги боис ҳам муҳарририятга келаётган мактублар сони кундан-кун ортиб бормоқда. Уларни бирма-бир ўқиб, тегишли бўлимларга ўтказиш жараёнида ғойибона бўлса-да хат муаллифлари билан тиллашган бўласан киши.

Мамлакатимиз мустақиллиги туфайли эришилаётган ижтимоий-иқтисодий ютуқлардан, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бораётганидан фахрга тўлиб битилган дил изҳорларини ўқиганда халқимиз ўзлигини англай бошлаганидан кўнглинг кўтарилади, руҳинг тетиклашади.

**«Ассалому алайкум редакция ходимлари,** — деб, бошланади мактублардан бири. — **Ушбу хатни Риштон шаҳрига қарашли Чеки Насриддин қишлоғида истиқомат қилувчи пенсионер оқсоқоллар номидан ёзаяпман. Улар мустақил Ўзбекистонимизнинг донғи оламга тарала бораётганидан ниҳоятда мамнундирлар. 1941-45 йиллардаги уруш қийинчиликларини, йўқчиликларни ўз бошидан ўтказган қариялар бугунги иқтисодий қийинчиликлар ўтиш давридаги табиий шароит эканлигини ёшларга ваъз-насиҳат қилиб, истиқлолнинг қадрига етиш, унга сидқидилдан хизмат қилиш лозимлигини уқтиришмоқда. Қишлоқ масжидида ҳар куни беш вақт намоз ўқишгандан сўнг юртбошимиз ҳаққига, турмушимиз фаровон, барқарор бўлиб бораверишини Худодан сўраб доимо дуодалар.**

**Акбарали ТЕМИРОВ,**
**Фарғона вилояти, Риштон тумани».**

Афсуски орамизда ҳафтада, ойда бир бор газета варақламайдиган, матбуот янгиликларини кузатиб бормайдиган кишилар ҳам йўқ эмас. Шунингдек, шикоят хатлари жўнатилган ҳамма ташкилотлар ҳам газета мурожаати масъулиятини бирдек ҳис қилмаяптилар. Хат ортида инсон тақдири турганлигини англаб етмаяптилар. Шу туфайли ноябрь, декабрь ойларида чоп этилган 41 та танқидий мақолага ҳанузгача жавоб олингани йўқ. Текшириб тегишли чора кўриш сўралган 51 та хатнинг тақдири ҳам номаълум.

Мактуб эгалари асосан бугунги иқтисодий ислоҳотлар йўлидаги тўсқинликлар, деҳқон (фермер) хўжаликларига бўлаётган эътиборсизлик, ҳуқуқ-тартибот идораларидаги сансалорлик, таъмагирлик иллатлари хусусида ёзишган.

**Ана шундай мададталаб мактубларга Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон вилоят ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Чиноз тумани ҳокимлиги каби ўнлаб идора ва ташкилотлардан ҳали ҳанuз жавоб ололганимизча йўқ.**

Гап муҳарриятга жавоб хати келишида эмас, балки ўша мактуб ортидаги инсоннинг мушкули қай даражада ҳал бўлганидадир.

«Халқ сўзи» — ҳақ сўз» хатлар саҳифаси йил давомида ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бу саҳифага хайрихоҳлик билдирилган ўнлаб мактублар олинди. Шунингдек, «Сергак телефон» рукни остида танқид қилинган жойлардаги камчиликлар газета аралашуви билан бартараф этилганлиги ўша маҳалла-кўй, қишлоқ ва овул аҳолиси учун катта кўмак бўлди.

1995 йилда ҳам бу рукнлар такомилига етган, пишиқ-пухта мақолалар, хат-хабарлар билан бойитилади. Хатлар саҳифаси эса ҳар ойда икки маротаба мунтазам бериб борилади.

Текшириш учун жойларга юборилган хатлар ва шикоятларга келган жавоблар «Миннатдор қалб изҳори», «Бизга жавоб берадилар» каби рукнлар остида чоп этилади. Хуллас янги йилда ҳам кишилар оғирини енгил қилишдек савобли ва хайрли ишни бир муддат бўлса-да тўхтатмаймиз.

Эшик очилиб, хонага сочларига оқ оралаган киши, кирсам мумкинми дегандек, ийманиб назар солади. Шикоят билан келганини изҳор этиб, қўлимизга бир даста ҳужжат тутқазади, кўнглини ёриб мадад сўраган бўлади.

Шу пайт телефон жиринглаб, гўшакдан овоз келади:

— Мен газетангиз мухлисиман, редакцияга қандай борсам бўлади?

Яна эшик очилиб, почтальон қиз бир даста хат кўтариб киради.

Ҳа, газета тобора халқ қалбига сингиб бормоқда. Унинг саҳифалари хилма-хил, ўқимишли чиқишига муҳарририят журналистлари билан бир қаторда жойлардаги жамоатчи мухбирларимиз ҳам кўмакдош бўлаётирлар. Андижон вилоятидан Муҳаммаджон Мамажонов, Бухоро шаҳридан Акбар Ҳайдаров, Намангандан Турғунпўлат Сулаймонов, Сурхондарё вилоятидан Ўрол Бекмуродов, Қашқадарё вилоятидан Жўра Юсупов, Қорақалпоғистоннинг Амударё туманидан Холмурод Отамуродов каби ўнлаб қаламкашларга муҳарририят номидан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

«Халқ сўзи» доимо ҳақ сўзни айтиб келган ва бундан кейин ҳам уни баралла изҳор этишдан чўчимайди. Чунки унинг бугунги иқтисодий танглик шароитида ҳам 50 мингдан зиёд ўз ўқувчиси, мухлиси бор...

**Шодиёр КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*9 январь куни Косонсой туманининг бир гуруҳ ёшлари, фахрийларига Ўзбекистон Республикасининг янги паспортини топшириш маросими бўлди.*
*СУРАТДА: паспорт топшириш пайти.*
*А. АБДУХАЛИЛОВ олган сурат.*

## ҲАТТО ЧОЙ ҲАМ ҚАЙНАТИШМАСКАН...

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ КОРПОРАЦИЯСИ РАҲБАРИЯТИ ДИҚҚАТИГА!**

**Яқинда оилавий бўлиб отамакон-Бойсунга отландик. «Тошкент-Термиз» поездининг саккизинчи вагонига бир амаллаб патта олгач, унинг келишини кута бошладик. Саноқли дақиқалар қолганда поезднинг қайси йўлдан келиши эълон қилинди. Вокзал бир пасда тўзғиган арининг уясидек тўс-тўполон бўлиб кетди. Амал-тақал қилиб, вагонга чиқиб олгач, жой-жойимизни эгаллаб ўтирдик.**

Проводниклар бир қарашда гўёки фаол ишлаётгандек кўринарди. Аслида улар паттасиз чиққан «тижоратчи» йўловчиларни жойлаштириш билан овора эди. Кечқурун ҳаттоки чой ҳам қайнатилмайди. Йўловчиларга нисбатан қўпол муомала қилганларни, ичиб олиб ҳақоратлаганларни тартибга чақирмаганларини-ку айтмай қўя қолай. Балки, ҳозирги қийин шароитда уларга ҳам осон эмасдир. Бироқ нима бўлганда ҳам инсон бир-бирига доимо самимий муносабатда бўлиши керак эмасми?

Начора, кўзлаган манзилимизга етиб боргунча роса қийналдик. Биз шундай бетартиб вагонга тушиб қолдикми, деб ўйлагандик. Лекин бошқа вагонларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас экан. Қайтишда бироз ўзгариш бўлар, деб умид қилгандик. Афсуски, чучварани хом санаган эканмиз.

Яна шу поезднинг 6-вагонидаги юмшоқ ўринга патта олдик. Йўл кира нархи анчагина қиммат бўлишига қарамай, унда ҳам шароит мақтагулик эмас. Йўловчиларга яратилган шароит ачинарли аҳволда. Купеларнинг эшиги бузуқ, йўлаклар ифлос. Ҳожатхона полида сув кўлмакланиб ётибди. Чойшаблар эса ҳўллигича тарқатилмоқда. Бу хизматга панжа орасидан қарашми ёки йўловчилар ҳақига хиёнат?

Тўғри, ҳозир ҳеч кимга ҳам осон тутиб бўлмайди. Балки, янги вагонларни олишга маблағ топиш қийиндир. Бироқ борларини таъмирлаб, талабга жавоб берадиган даражага етказишнинг наҳотки иложи бўлмаса? Мен фақат битта поездни мисол келтиряпман. Бошқаларида ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Зеро, бундай камчиликларга барҳам берган «Олтин водий», «Зарафшон» поездларига ҳавас қилса арзийди. Темир йўл мутасадди раҳбарлари йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятига қачон диққат-эътиборларини қаратадилар?

**Иззатулла АҲМЕДОВ,**
**Сурхондарё вилояти.**

*• Луқма*

## ЎЗ-ЎЗИМИЗНИ АЛДАШДАН НЕ НАФ?

Дала ишлари учун Мирзаобод туманидаги Аҳмад Қулбеков номли хўжаликка 10 та «Д—144» русумли мотор зарур бўлиб қолди. Бу муаммо тез орада ҳал бўлди ҳам.

Асакадаги мотор таъмирлаш заводидан мўмай пул эвазига двигателлар келтирилди. Аммо таъмирланган моторларнинг уни бир ҳафтага етмаёқ ўчди. Устига-устак, Бекободдаги Далварзин таъмирлаш корхонаси моторлари ҳам панд берди. Туман техника назорати ташкилоти раҳбари Қаҳҳор Асқаровнинг эътирофича бошқа хўжаликларга ҳам соз деб берилган моторлар, аслида яроқсиз эканлиги кўп бор қайд қилинган. Шу боис Мирзачўлдаги юзлаб механизаторлар Асака ва далварзинлик саноатчилардан анча хафа бўлишди. Уларни сарфланган маблағ, ҳосилнинг вақтида териб олинмаганидан ҳам кўра ушбу савол кўпроқ ташвишлантирмоқда: «Ўз-ўзимизни алдашдан не наф?!

**А. ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ХАЛҚ СЎЗИ – ҲАҚ СЎЗ



**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ– ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЗЗАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ**

*• Муштарий бонг ўради*

## СЎЛИМ ҚИШЛОҚДАГИ ҚАРОВСИЗ МАКТАБ

**Самарқанд вилоятининг Нуробод томонларида кўп ва хўп қишлоқлар бор. Уларда содда, танти инсонлар яшашади. Қишлоқларнинг аксари чўл ҳудудларида ва тоғ ён бағирларида жойлашган.**

Биз таъриф-тавсифини келтирмоқчи бўлаётган Уйрукулча ҳам ана шундай қишлоқлардан бири. Қоратепа тоғ тизмаларининг этагида, баланд-баланд тепаликлар орасида жойлашган ушбу гўшада ариқлардан оқаётган суви, тўйу ҳашамларда янгровчи куй-қўшиқлар ҳам ўзгача жаранглайди. Кўпкари бўлган дамларда эса бутун дара чавандозларнинг ҳайқириғига тўлиб кетади. Хуллас, тинч осуда ҳаёт кечираётган уйрукулчаликларга ҳавас қилмасдан иложи йўқ. Бироқ шундай ҳушчақчақ, хушфеъл одамлар олдида мактаб ҳақида сўз оча кўрманг. Нега дейсизми? Унда эшитинг:

Қишлоқда битта ўрта мактаб бор. Бу даргоҳ Нуробод туманида сон жиҳатидан «9-» рақами билан ҳисобда юритилади. Аммо, биноларнинг қурилиши, ўқувчилару ўқитувчиларга шарт-шароитлар яратилиши бобида ўрин белгиланса, умуман ҳисобдан чиқиб кетса ажабмас. Мактаб ўқиш-ўқитиш талабларига мутлақо жавоб бермайди. Деворлари зах, пол қилинмаган, ёзда чанг, қишда эса нам тортиб кетади. Бироқ, негадир бу ҳол раҳбарларни у қадар ташвишлантирмаётгани ҳайратланарлидир.

— Болаларимизни мактабга юборишга ҳайронмиз, дейишади Жўрабой Гадоев, Жумабой Ражабов, Ўроқбой Раҳимов ва бошқа ота-оналар биз билан суҳбатда.— Аҳволнинг ачинарли экани кўриниб турибди-ку. Ана шу биноларни аслида қишлоқ аҳли ҳашар йўли билан тиклаган эди. Мана вақт ўтиши билан эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолди. Уни таъмирлашга ёрдам бериш на туман халқ таълими бўлими, на «Сазағон» ижара хўжалиги раҳбарларининг хаёлига келмаётир. Ота-оналар, ўқитувчилар, фахрийлар бир неча бор туман раҳбарларидан ҳам кўмак сўрашди. Фойдаси йўқ. Афсуски, болаларимизни минг бир хавотир билан мактабга кузатиб, соғ-омон келишини жон ҳовучлаб кутиб олаяпмиз.

Ҳа, Умар Ҳайём номи билан аталаётган ушбу билим масканидаги бугунги аҳвол ғоят ташвишли. Олдинда эса қишнинг изғиринли, кўкламнинг серёғин кунлари. Бундай дамларда мактабнинг нурай деб турган эски деворлари чидаш берармикан? Ота-оналар ва ўқитувчиларнинг асаблари-ю болаларнинг бардошлари-чи? Ва ниҳоят туман халқ таълими бўлими ҳамда «Сазағон» ижара хўжалиги ва фуқаролар йиғини раҳбарлари ҳамон томошабин бўлиб қолишаверармиканлар?

Уйрукулчада истиқомат қилаётганлар ёнида мактаб ҳақида сўз очманг, деганимнинг сабабини энди англагандирсиз? Ахир, бу қишлоқ одамлари ҳам фарзандларининг билимдон, маърифатли инсонлар бўлишини хоҳлашадида. Уларнинг истакларини, орзу ниятларини, эҳтимол, тумандаги мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳам тушуниб етишар.

**Убайдулла ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг вилоятлараро тарғибот маркази ходими.**

## РАДИОМИЗГА ТИЛ БИТАРМИКАН?..

«Ташсельмаш» заводида 60 йил ишлаб пенсияга чиқдим. Ҳозир 85 ёшдаман. Кексайганда одамга газета-журнал, радио доимий ҳамроҳ бўлиб қоларкан. Дунё янгиликларидан радио орқали бохабар бўлиб турардим. Афсуски, қарийб бир йилдан буён радиомиз ишламаяпти. Бирон-бир эшиттиришни рисоладагидек эшитишнинг иложи бўлмаяпти. Шу соҳа мутасаддиларига бир неча бор мурожаат қилдим, фойдаси бўлмаяпти. Радио хизмати учун тегишли тўловларини тўлиқ тўлаб бораяпман, лекин...

**Н. МАНСУРОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**
**Чилонзор тумани, Ш. Ғуломов кўчаси.**

*• Астағфуруллоҳ!*

## ТЕКИНГА ОФТОБГА ЧИҚМАЙДИГАН РАИС

**1991 йили қишлоғимизда олдингилар қаторида фермерликни бошладик. Оиламиз билан жамоа хўжалигидан 5 гектар ер олиб, бир нечта сигир ва бузоқ сотиб олдик. Ўша пайтда биз яшайдиган Амударё тумани «Тўлқин» жамоа хўжалигида 7 та фермер хўжалиги ишлаб турган эди. Шу йили жамоа хўжалиги раиси ўзгариб, Чўтбой Усмонов деган киши раис бўлиб келди.**

Бугунги кунда жамоамизда бор-йўғи иккита фермер хўжалиги қолган. Бизнинг «Азамат» фермер хўжалигимиз ҳам тарқаб кетиш арафасида турибди. Гап шундаки, фермер хўжалиги ўз ерига, мол-мулкига, банкда ўз ҳисоб рақамига эга бўлгани ҳолда техникадан фойдаланиш, ерни суғориш, маҳсулот топшириш каби ишларда жамоа хўжалигининг, аниқроғи, унинг бошқарув раисининг ёрдамига таянишга мажбурдир. Бизнинг раис эса «текинга офтобга чиқмайдиганлар» хилидан экан. Бирор нарса «узатиб» турмасанг, жамоа хўжалиги билан фермер хўжалиги орасида тузилиши лозим бўлган шартномани тузмайди, шартнома тузилган бўлса, унга амал қилмайди. Масалан, ўтган йилнинг охирида раис мени чақиртириб олиб, фермер хўжалигимизга ажратилган 5 гектар ернинг ҳар гектарига палон сўмдан беришимни, акс ҳолда 1994 йил учун шартнома тузмаслигини, фермер хўжалигимизни эса тарқатиб юборишини айтди. Мен кўнмадим. Шартнома эса тузилмасдан қолаверди. Лекин, устма-уст тайзиққа учрайвергандан кейин ўтган йилнинг 28 март куни айтганини бердим. Шу асно шартнома тузилган бўлди-ю, бироқ бу раисга камлик қилди. Оқибатда орага яна совуқлик тушди, яна даламизга сув, техника келмай, топширадиган маҳсулотларимиз ўз вақтида олинмай қўйди. Умуман, фермер хўжалигига жамоа раҳбарининг муносабати ўзгарди.

Мен, агар қолган пулни раис қўлига тутқазмасам, унинг менга кун бермаслигини билардим. Шу боис раиснинг мендан пора олганлиги ҳақидаги суҳбатини магнит тасмасига ёзиб олишга муваффақ бўлдим.

Ушбу ҳодиса юзасидан бир неча жойларга мурожаат қилдим, бироқ бефойда бўлмоқда.

Хўжаликнинг ўтган йилги режалари бори-йўғи 70 фоиз атрофида бажарилди, холос. Устига-устак жамоа хўжалигининг ишлари ўлда-жўлда. Шундай бўлса-да, Чўтбойнинг мушугига «пишт» дея оладиган бирорта мард кўринмаётир.

**Исмоил МАТКАРИМОВ,**
**Амударё тумани «Тўлқин» жамоа хўжалиги.**

### ЖУРНАЛ ОЛОЛМАЯПМАН

Газета, журнал, умуман матбуот менинг доимий ҳамроҳим. Ҳар йили ўнга яқин нашрларга обуна бўламан, бироқ икки йилдан буён «Фан ва турмуш», «Сирли олам» журналларини мунтазам ололмаяпман. 1993 йили мазкур журналларнинг атиги тўрт сонини олишга муваффақ бўлган бўлсам, 1994 йилда «Сирли олам»нинг иккита сонини беришди холос. Алоқа бўлимига борсам, журнал келмаяпти, деб баҳона қилишди. Обуна бўлган журналларни ўз вақтида олмаганим учун ким айбдор: алоқа бўлимими, журнал мутасаддиларими ёки обуна бўлганим учун... менми?

**Сайфи САИДАЗИМОВ,**
**Қибрай тумани «Красний водопад» алоқа бўлими.**

*• Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?*

## 25 ЧАҚИРИМГА — ПИЁДА

**«Шаҳрихон — Навоий номли жамоа хўжалиги — Бўз» йўналиши оралиғидаги масофа атиги 25 чақиримни ташкил қилади. Шаҳрихондаги 37-автокорхона раҳбарларининг бепарволиги, ўз вазифасига ниҳоятда совуққонлик билан ёндошаётганлиги туфайли одамлар ана шу масофани асосан пиёда босишмоқда.**

— Эсимни таниганимдан буён шу йўлда автобуснинг маромида юрганлигини эслай олмайман. Биргина ўтган йилнинг август-сентябрининг ўзида бизнинг тарафга 12 марта автобус қўйилмади. Қўйилган кунлари ҳам ҳайдовчиларни тушликдан сўнг топиб кўринг-чи, — дейди Бўз туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигида яшовчи меҳнат фахрийси Ҳомиджон ака Мирзараҳимов.

— Ўзингиз кўриб турибсиз. Оддий қишлоқ аҳлига жабр бўлди. Қариндош уруғларнинг тўй-маъракаси, туман марказидаги шифохонага, турли юмушлар билан шаҳардаги ҳар хил идораларга йўл олган одамлар етти-саккиз соатлаб автобус кутишяпти. Уларнинг аксариятини деҳқонлар ташкил қилади, — дейди Шаҳрихон туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг идора ходими Комилжон Ҳошимов. — Автокорхона раҳбарини кун тиккага келганда ёки ёғин-сочинли кунда хизмат машинасидан тушириб шу йўл бўйлаб пиёда юришга мажбурлаш керакмикан...

**Ҳ. РУСТАМОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси,**
**Андижон вилояти.**

*• Сўраган эдингиз*

## ҚУРТОВА

**Қатиқ, сутни жамийки касалликларга шифо дейишади. Қурут, тўғрироғи, қатиқни қайнатиб тайёрланган қуртова ҳақида ҳам кўп эшитганмиз. Қуртова қандай тайёрланади? Шу ҳақда билишни хоҳлардик.**

**Т. АБДУАЗИЗОВ, Н. ЮСУПОВ,**
**Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри.**

Кавказликлар нима учун узоқ умр кўришини, соғлом бўлишини биласизми? Сабаби — улар сут, қатиқдан парҳез қилишмайди. Шарқ табобатида ҳам сут, қатиқ истеъмол қилиш ҳақида жуда кўп ибратли тавсиялар беришади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳеч қандай фан сут, қатиқни зиён демайди. Қуртовага келсак, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. У Марказий Осиёнинг кўчманчи ва чорвадор қабилалари орасида қадимдан мавжуд бўлган. Қуртова асосан қишнинг аёзли кунларида тановвул қилинади. У ҳозирги кунда чорвачилик билан шуғулланадиган ҳудудлардагина сақланиб қолган.

Қуртова — илиқ сувда эзиб суюлтирилган қурут маъносини англатади. Қуртованинг кўриниши қаймоқ қуюқлигидаги суюқ овқат бўлиб, юзида эриган сариёғ қатлами бўлади. Қуртованинг ўзига хос хусусиятларидан энг асосийси тўйимлилиги жиҳатидан ёғли ва гўштли овқат ўрнини боса олишидир. У кишини узоқ вақт тўқ тутиши билан бирга, баданини совуқдан асраш, иштаҳани очиш хусусиятига ҳам эга.

Халқ табобатида қуртова шамоллаганда, йўталганда, заҳарланганда, ич оғриган, камқувватлик, камқонлик, бавосил касалликларида қўлланилган. Бу билан қуртовани фақатгина бетоблар ичар экан деган хулосага бормаслик керак. У соғлом кишилар кучига-куч, ғайратига-ғайрат, алоҳида тетиклик бағишлайдиган лазиз таомдир.

Хўш, қуртова қандай усулда тайёрланади. Аввало ивитилган қатиқнинг сариёғи кувида ажратиб олинади. Сўнг суюқ қатиқ бир неча бор қайнатилади ва совигач туз қўшилади. Қуритилган қурутдан 2-3 килограмм олиб илиқ сувда чайилади, сўнг 2 коса сув қўйиб қурут обдон эзилади. Қаймоқ ҳолига келган суюқликка 3-4 бош пиёз тўғралиб оловга қўйиб қайнатилади. Ҳосил бўлган қуртовага 4-5 ош қошиқда сариёғ солиниб дастурхонга тортилади. Агар уни қиш бўйи истеъмол қилсангиз нафақат қишда, балки ёзнинг чилласида ҳам Сизга бирор бир касаллик йўламайди.

**С. МУҲАМАДИЕВ,**
**доцент.**

• *Иккинчи истеъдод*



# ДУНЁ ИШЛАРИГА БЎЛМАГИН ЛОҚАЙД...

***Шеъриятга меҳр-муҳаббат инсон боласини ҳамиша эзгуликка чорлаган. Қуйидаги шеърларни ўқиганда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Улуғ шоирлардан бири бир томчи кўз ёшни артиш катта жангларни бартараф қилишдан савоблироқдир, деган экан. Эзгуликни куйламоқчи бўлганларга тангри мададкор бўлсин.***

***Абдураҳмон Қодировнинг шеърлари ҳам эзгулик булоқларидан сув ичган. Улар кишиларни ҳамиша яхшиликка чорлайверсин, юракларни поклайверсин.***

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## *ҚОДИРИЙ БАШОРАТИ*

Энг сўнгги дамда ҳам ширин жон дея
Иймон, эътиқодни мен сотганим йўқ.
Сохта шуҳрат дея, сохта шон дея,
Ҳақиқат юзига тош отганим йўқ.

Чунки билар эдим, вақт келиб бир кун
Пок номим ҳурматга чулғанишини.
Менга ҳасад қилган ғаним кимсалар
Халқим нафратига булғанишини.

Ўша кунлар келди. Мана, ниҳоят —
Ҳар ўзбек уйида азиз меҳмонман.
Отабек, Кумушнинг соф севгисидек —
Туҳмат оловида куймаган жонман.

## *ШАРҚОНА*

Ҳар бўлар-бўлмасга бошинг этма хам,
Иймон, эътиқодинг маҳкам тут ҳар дам.
Ўтар бу дунёдан мард ҳам, номард ҳам,
Мард қолиб, номарднинг этагин тутма.

Дунё ишларига бўлмагин лоқайд,
Ҳар битта сўзингни ўз ўрнида айт.
Ҳамиша покни де, нопокликдан қайт—
Нопоклик энг ёмон иллат, унутма.

Кишининг ҳақига қилма хиёнат,
Одам безагидир инсоф, диёнат,
Ҳар ишда айлагин сен яхши ният,
Инсофсиз кимсадан мурувват кутма.

Яхшидан от қолур, ёмондан-чи, дод,
Эзгу ишинг билан чиқар яхши от,
Ёд айласин десанг, келажак авлод —
Ҳаргиз ёмонликнинг шаробин ютма.

## *ЯХШИДУР*

Сайру саёҳат айласанг,
албатта, бўстон яхшидур,
Ёру дўстлар даврасида
хуш кечган ҳар он яхшидур.
Дейдилар ким, ўзга берган
миннатли ошдан ҳар қачон
Меҳнатинг бирлан топилган
нозу-неъмат яхшидур.
Қилгани элга зиёну
мисли мор, турқи совуқ —
Баъзи бир одам сифатлардин
ҳайвон яхшидур.
Ҳар қачон, ҳар ерда, ҳар дам
ақл эрур инсонга тож,
Шу сабаб ахлоқ, одобли
ҳар битта инсон яхшидур.
Қодирий, ишқи ижод
банд айламиш кўнглинг сенинг,
Изласанг устоду пир,
Усмону Чўлпон яхшидур.

## *СЕН КЕЛМАДИНГ*

«Сен баҳорни соғинмадингми?»
Кузда учиб кетган учқур турналар,
Қайтиб келишдилар, солишиб арқон.
Дов-дарахтларга бериб зеб-зийнат,
Баҳор қайтиб келди. Дилимда армон —
Ахир, сен келмадинг.

Қиру адирларда кулар бойчечак,
Ариқларда сувлар лойқа-пўртана.
Табиат уйғониб қишки уйқудан,
Бутун борлиқ қилар тўю тантана.
Сен йўқсан фақат.

Саҳарлар кўзимдан уйқуни қувиб,
Келар йўлларингга кўз тикдим кўп бор.
Тонгги саболардан висолинг истаб,
Келармикан, дея сўрардим такрор.
Наҳот, билмадинг.

Қуёш чиқиб келди, тоғлар ортидан,
Заррин кокилларин ёйиб ҳар томон.
Нур қўйнига чўмди она табиат,
Сендан дарак йўқ-да, дилимда ҳамон —
Армонлар қат-қат.
Сен келмадинг.

**Абдураҳмон ҚОДИРОВ,**
**Булунғур тумани халқ таълими бўлимининг мудири.**

• *Футбол*

# «МАШЪАЛ»НИНГ ПАРВОЗИ

**Муборак шаҳрининг «Машъал» командаси мамлакат футбол чемпионатининг биринчи лигасида қатнашган 18 жамоа ўртасида ғолибликни қўлга киритиб, олий лигада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Команда аъзолари мамлакат чемпионатининг кичик олтин медали соҳиби бўлишди.**

**Муборaклик футболчилар номига республика Футбол федерациясидан табрикнома келди. Унда «Машъал» командаси аъзоларининг бутун чемпионатни ғалабага ишонч руҳида ўтказиб, юксак натижаларга эришганликлари қайд этилган.**

Муборак дунё харитасидаги энг ёш шаҳарлардан. Унинг ўзигина эмас, балки бу ерда яшаб, меҳнат қилаётган, даштни боғу бўстонга айлантириш иштиёқида республикамизнинг турли бурчакларидан бу ерга келган кишиларнинг ҳам аксарият қисми ёшларни ташкил этади. Ана шу ташаббускор марду майдонларнинг қизиқиши, қалб даъвати ила ўн йиллар муқаддам «Машъал» футбол командаси ташкил топган эди. Дастлаб ўқувчи ёшлардан тузилган команда бугунги кунда Қашқадарё вилоятида энг кучли футбол жамоаси сифатида шаклланиб, мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида 34 ўйин ўтказиб, 52 очко билан ғолибликни қўлга киритди.

У қандай омиллар эвазига бундай муваффақиятларга эришди?

Ушбу саволимизга Муборак тумани ҳокими, туман футбол федерациясининг раиси Жумақул Қурбонов қуйидагича жавоб беради:

— Футболни ривожлантириш учун, энг аввало манба зарур. Манбаси йўқ командани илдизсиз дарахтга ўхшатиш мумкин. Бундай жамоа узоққа боролмайди. Катта чемпионатларга чиқиш учун мустаҳкам ва қудратли базага эга бўлиш шарт. Бизда ана шу омиллар яратилди.

Туманимиз Косондан ажралиб чиққан. Косонда ёш футболчилар мактаби мавжуд эди. Биз ана шу мактаб тарбияланувчиларига катта умид боғлаган эдик. Умидимиз ушалди. Ушбу даргоҳдан қатор иқтидорли ёшлар етишиб чиқди ва «Машъал» жамоасининг асосини ташкил этди.



Сирасини айтганда, вилоятимиз ташқарисидан бирорта ҳам футболчи таклиф этганимиз ёки уй, машина, яна бошқа қатор имтиёзлар ваъда қилганимиз йўқ. Табиийки, Тошкент, Самарқанд ёки Фарғонадек шаҳри азимларни тарк этиб, бирор машҳур футболчининг чўлга келиб ўйнашини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ўзимизнинг кучимизга таяниб, ёшларнинг меҳнатсеварлиги, иқтидори, тиришқоқлигига ишониб иш кўрдик.

Ёш футболчиларни қизиқтириш, уларнинг кучини маълум мақсадларга йўналтириш учун ҳам, юқорида таъкидланганидек, манба зарур. Муборакда қарор топган газ конлари бошқармаси, газни қайта ишлаш корхонаси каби қудратли саноат марказлари ёшларимизнинг умид-орзуларининг рўёбга чиқишида катта таянч вазифасини ўтадилар. Қатор ташкилотлар, хўжаликлар футболчиларимизга ҳомийлик қилишга қарор қилишди.

Муборак шаҳрида ҳомийларнинг ҳиммати билан мўъжазгина ўйингоҳ барпо этилди. «Машъал» командаси учун эса намунали база вужудга келди. Муборак газни қайта ишлаш заводининг саховатпеша раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари билан команда учун янги автобус ажратилди, спорт кийимлари, анжомлари сотиб олинди. Буларнинг ҳаммаси футбол жамоасининг шаклланишига, вилоятдан четга чиқиб ҳам тўп суришига имкон яратди.

Футболчиларимиз ўтган — 1994 йилда ўзларининг бор имкониятларини намоён этиб, нималарга қодир эканликларини кўрсатдилар.

— Ўз майдонимизда ўтказилган 18 учрашувнинг ҳаммасини ғалаба билан якунладик, — дейди команда катта мураббийси, Корея республикасининг пойтахти — Сеуль шаҳрида Бутунжаҳон корейслар ўртасида ўтказилган футбол мусобақалари совриндори — олтин медаль соҳиби Владислав Хан. — Демак, жамғарилган 52 очконинг 36 таси ўз майдонимизда, қолган 16 таси эса рақибларимиз майдонларида қўлга киритилди. Футболда бу жуда катта натижа ҳисобланади.

Бу муваффақиятларга ёш футболчиларимизни ҳар томонлама тайёрлаганимиз туфайли эришдик. Ўзаро ҳамжиҳатлик, уюшқоқлик, бир-бирини тушуниш, иноқлик ҳам ғалабанинг таъминланишига катта омил бўлди. Натижада, ҳар бир ўйинни ғоят юксак савияда ўтказишга имкон топдик.

Команда дарвозабони Олег Қаҳҳоров барча ўйинларда иштирок этиб, мавсумда ўз дарвозасидан энг кам тўп ўтказиб юборди. У бир неча марта ўн бир метрлик жарима тўпларини ушлаб қололди.

Футбол мухлислари Константин Смирнов, Александр Бейнерович, Дадажон Тоғаев, Абдураҳмон Юманқулов, Рамиз Ғаниев, Анвар Бердиев, Александр Хвастунов сингари чарм тўп усталарининг яшил майдонларда кўрсатган маҳоратли ўйинларидан зўр қониқиш ҳосил қилдилар, завқ олдилар. Ўтган йилги мавсумда Александр Бейнерович 16 марта, Дадажон Тоғаев 10 марта, Рамиз Ғаниев эса 8 марта тўп киритиб, дарвозабонларни «доғ»да қолдиришди.

Муборакда ёшларнинг бир неча командалари бор. Эндиликда эса ёш футболчилар мактаби ташкил этилади. Бунинг учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Яна бир хурсанд бўладиган томони шундаки, шаҳримизнинг қоқ ўртасида қишки спорт соғломлаштириш комплекси қад ростламоқда. У ишга тушиши билан қиш фаслида ҳам турли спорт мусобақаларини ўтказиш, машқларни узлуксиз давом эттириш мумкин бўлади. Жамоамиз учун катта манба яратилади.

**Эркин ЖЎРАЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**
**Пўлат ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## АДАБИЙ КЕЧА

Халқ таълими вазирлиги, республика ўқув-услубият маркази ташаббуси билан республика ўқитувчилар уйида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий-адабий анжуман бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан олимлар, адиблар, педагоглар шоиранинг ҳаёт йўли, серқирра ижоди тўғрисида гапирдилар. Кечада шоира шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради.

**(ЎзА).**

"Дубай-бизнес-центр" МАГАЗИНИ




фирмасининг

маиший хизмат электроника ва электротехникаларини таклиф қилади
Манзилимиз:
Тошкент ш., Содиқ Азимов кўчаси, 81
Телефонларимиз:
(3712) 33-69-93, 32-09-57

Ўзингиз учун SONY дунёсини кашф этишни истайсизми?
Унда телевизорлар, видеомагнитафонлар, видеокамералар, мусиқий марказлар, магнитафонлар, аудио ва видеокассеталар сотиладиган "SONY" магазинига ТАШРИФ БУЮРИНГ



Манзилимиз:
Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 20
Телефонларимиз:
(3712) 76-36-28, 76-77-27

• *Яхшилар ёди*

# ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

**«Ўз ўрнидаги одам». Биз, газетачилар бу иборани жуда кўп ишлатамиз ва уни аксарият ҳолларда қобилиятли муаллим, қўли енгил шифокор, тадбиркор раҳбар ва ҳоказо одамларга нисбатан қўллаймиз. Ҳаётда-чи? Улар ҳамиша орамизда: бирга яшаймиз, бирга ишлаймиз. Бариси сизу бизга ўхшаган: оддий. Фарқи шундаки, улар сизу биздан куюнчакроқ, тадбиркорроқ, баъзан тан олгимиз келмаса ҳам—ақллироқ. Ўз иши қолса-да, доимо эл иши учун қайишади. Бировга ёқади, бировга йўқ...**

Негадир, «ўз ўрнидаги одамлар»ни ҳаётликларида ҳамиша ҳам қадрига етавермаймиз. Кейин шундай вазиятга тушиб қоламизки, беихтиёр уни ёдга олишга мажбур бўламиз: фалончи бўлганда бунга йўл қўймасди!

... Яқинда Қуйи Чирчиқ туманидаги Гул қишлоғи аҳолиси узоқ йиллар турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб, халқ эҳтиромига сазовор бўлган Қўчқор ота хотирасига бағишлаб кеча ўтказди. Паҳлавон келбат оқсоқолнинг суратдаги нуроний чеҳрасини кўриб, бир пайтлар ҳамқишлоқлари у ҳақида айтган гаплари ёдимга тушди:

— Афсуски Қўчқор ота сингари фидойи инсонларга бугунги кунимизни кўриш насиб этмади, - дейди туман ҳокими Рустам Каримов. — Лекин мустақилликка эришишимизда у кишининг хизматлари бениҳоя катта бўлган. Ўсмирлик пайтларим Қўчқор ота билан кўп марта учрашганман. Чунки районда у кишининг обрўси жуда баланд бўлиб, деярли барча масалаларда ота билан маслаҳат қилинарди. Биргина мисол, ота ташаббуси билан ҳашар усулида қурилган ўрта мактабда бутун атроф қишлоқларнинг болалари таълим олишган. Бу масканда ўқиганларнинг анчагинаси ҳозир республикамизда таниқли одамлардир. Улардан бири — юридик фанлари доктори Эгамберди Ҳакимов шундай ҳикоя қилади:

— Бирорта тўй ёки маърака у кишининг иштирокисиз ўтмасди. Тошкентда юқори лавозимда ишлаб юрган кезларимда бирор-бир муаммо юзага келса, у кишига маслаҳатга келардим. Боиси отам раҳматли бир гап айтгандилар: бошингга бирор ташвиш тушса, албатта, Қўчқорга учраш. У тўғри сўз, мард одам. Қилган яхшилигини ҳеч қачон юзингга солмайди. Кейин билсам, ота бутун гулликлар ташвишини ўз ташвиши, улар қувончини ўз қувончи, обрўсини ўз обрўси, деб тушунар экан. Баъзан қишлоқда номаъқул ишлар бўлаётганини эшитиб қолсам, кўз ўнгимда Қўчқор ота сиймоси гавдаланади. Йўқ, у киши ҳаёт бўлганларида бунга йўл қўймасдилар, дейман ўзимга ўзим.

Сирдарё туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига раислик қилаётган Тўхтамурод Исломов ҳам отахон ҳақида илиқ фикрлар билдирди.

— Қўчқор ота ажойиб инсон эди. Узоқ йиллар мобайнида раҳбар бўлиб ишлаган бўлса-да, ўзига данғиллама иморат қурмаган, болаларига бойлик қолдирмаган. Лекин у кишининг бевосита раҳбарлиги ёки ташаббуси билан қурилган мактаблар, йўллар, ҳаммом, масжид... Эҳ-е, нимасини айтасиз, ота тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўйиб кетганди. Шу боисданми, у ҳақида бирор марта бежо гап эшитмаганман.

Ҳа, яхши одамларни ҳамиша яхши, дея оладилар. Албатта, бу билан Қўчқор ота фаришта бўлган, демоқчи эмасмиз. Аммо бутун умрини халққа хизмат қилишдек эзгу ишга бағишлаган инсон эканлиги аниқ.

**Тоҳир МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

"ЎЗБЕКЛЕГПРОМ"
ассоциацияси

*Майда улгуржи ва чакана савдо корхоналари, ташкилотлари ва хусусий тадбиркорлар диққатига !*

Енгил саноат корхоналари ва фирма дўконлари турли хил тикувчилик, трикотаж, чулки-пайпоқ буюмлари, бош кийимлар, атторлик, пойабзал, гилам ва чинни буюмлар сотади.
Ҳақи пул ўтказиш йўли билан ва нақд тўланади.
*Буюм ва маҳсулотларни улгуржи ва майда улгуржи партияларда етказиб бериш учун исталган суммага ўзаро фойдали шартномалар тузилади.*

**Қўшимча ахборотлар учун ассоциациянинг қуйидаги манзилда жойлашган штабига мурожаат қилинг:**
*700078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй (10-қават, 1009-хона).*

**Маълумот учун телефонлар:**
*39-11-63, 39-14-39, 39-10-46.*



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

• *БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;*
*Иқтисодиёт 32-36-65;*
*Маънавият 32-35-60;*
*Ахборот 32-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ф. Бобо Дўст.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0021 50908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти—21.00
Босишга топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6